

**“Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сифатини баҳолаш маркази”
давлат муассаси**

ТАСДИҚЛАЙМАН:

**“Қишлоқ хўжалик
маҳсулотларини сифатини
баҳолаш маркази” давлат
муассаси ўринбосари**


 **Ш.О.Пазилов**
«22» 06 2023 йил

**Техник чигитни сертификатлаштириш бўйича
ТА Р Т И Б**

КИРИТИЛДИ:

Пахта маҳсулотларини
сертификатлаш органи
бўлими бошлиғи

 **М.Нуруллаев**
«22» 06 2023 й.

Сифат бўйича менежер
 **Ж.Пулатов**

«22» 06 2023 й.

**“Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси қошидаги
“Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сифатини баҳолаш маркази” давлат
муассасида техник чигитни сертификатлаштириш бўйича**

Т А Р Т И Б

I боб. Умумий қоидалар

МазкурТартиб:

– Ўзбекистон Республикасининг “Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги Қонуни;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4241-сонли Қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 18 сентябрдаги “Пахта чигитини етказиб бериш ва ундан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 199-сонли Қарори;

– Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг 25.05.2005 йилдаги 59-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва Адлия вазирлигидан 18.03.2005 йилда 1458-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Маҳсулотларни сертификатлаштириш қоидалари” (кейинги матнда – Қоидалар);

“Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси қошидаги ““Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сифатини баҳолаш маркази” давлат муассаси (кейинги матнда – Корхона) уставига асосан ишлаб чиқилган бўлиб, Корхона томонидан техник чигитни сертификатлаштириш тартибини белгилайди.

Тартиб тадбиркорлик субъектлари учун тавсиявий характерга эга ва уларга кўрсатиладиган хизматлар ихтиёрий тузиладиган шартномалар доирасида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари устуворлиги тамойили асосида амалга оширилади.

1. Тартибда қуйидаги атамалар ва таърифлар қўлланилади:

буюртмачи – ишлаб чиқарувчи (етказиб берувчи) - мулкчилик шаклидан қатъий назар пахта тозалаш корхоналари;

ижрочи – “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” давлат унитар корхонасида (кейинги матнда-Корхона);

ижрочининг сертификатлаштириш органи – “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” давлат унитар корхонасининг пахта маҳсулотларини сертификатлаштириш идораси;

ижрочининг марказий лабораторияси – Корхонанинг пахта техник чигити ва уни қайта ишлаб олинган маҳсулотларини синовдан ўтказиш марказий лабораторияси;

мувофиқлик белгиси – техник чигитнинг аниқ норматив ҳужжатга мос эканлигини кўрсатиш учун техник чигитга доир ҳужжатга қўйиладиган, белгиланган тартибда рўйхатга олинган белги;

мувофиқлик сертификати – техник чигитнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш учун сертификатлаштириш тизими қоидаларига биноан берилган ҳужжат;

сертификатлаштириш – техник чигитнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасига доир норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини тасдиқлашга оид фаолият.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 18 сентябрдаги “Пахта чигитини етказиб бериш ва ундан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 199-сонли қарори талабларига мувофиқ техник чигит мажбурий сертификатлаштириладиган маҳсулот ҳисобланади.

3. Сертификатлаштиришни ташкиллаштириш ва ўтказиш Ижрочи томонидан О’з ДСт 596 «Техник чигит. Техникавий шартлар» талабларига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 31 мартдаги «Дон хавфсизлиги тўғрисида»ги 99-сонли умумий техник регламентига мувофиқ ҳамда “Маҳсулотларни сертификатлаштириш қоидалари”нинг 53- ва 57-бандига асосан аккредитация доирасида амалга оширилади.

II боб. Техник чигитга мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш ва бериш қоидалари

4. Техник чигитнинг сертификатлаштириш жараёни қуйидагиларни ўз ичига олади:

- сертификатлаштириш учун ариза қабул қилиш;
- тақдим қилинган ҳужжатларни таҳлил қилиш, сертификалаштириш схемасини танлаш, натижалар асосида қарор қабул қилиш;
- буюртмачи билан шартнома расмийлаштириш;
- синов дастурини тайёрлаш ва тасдиқлаш;
- намуна танлаш ва идентификациялаштириш;
- намуналарни синовдан ўтказиш;
- техник чигит ишлаб чиқариш ҳолатини текшириш (3-схемада);
- синов натижаларни таҳлил қилиш, мувофиқлик сертификатини бериш ёки рад этиш бўйича қарор қабул қилиш;
- мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш, уни Ўзбекистон Республикаси Миллий сертификатлаштириш тизими давлат реестрида рўйхатдан ўтказиш.

5. Сертификатлаштириш жараёнининг умумий муддати 15 кундан ошмаслиги лозим.

Ижрочи сертификатлаштириш органининг асослантирилган билдиргисига мувофиқ Корхона раҳбарияти томонидан ушбу муддат яна 15 кунгача узайтирилиши мумкин.

6. Сертификатлаштириш учун ариза бериш тартиби қуйидагиларни ўз ичига олади:

6.1. Буюртмачи ижрочининг сертификатлаштириш органига сертификатлаштиришни амалга ошириш учун “Маҳсулотларни сертификатлаштириш қоидалари”нинг 1-иловасига мувофиқ шаклда ариза билан мурожаат қилади.

6.2. Буюртмага:

- ишлаб чиқарилаётган техник чигитга оид норматив ҳужжатлар нусхаси;
- аккредитациядан ўтган санитар-эпидемиологик назорат лабораториясининг техник чигитнинг хавфсизлиги тўғрисидаги Санитар-эпидемиологик хулоса нусхаси илова қилинади;

6.3. Агар буюртмачи ижрочининг сертификатлаштириш органига ва санитар-эпидемиологик назорат лабораториясига бир вақтда ариза берганида, ижрочининг сертификатлаштириш органи кейинчалик санитар-эпидемиологик хулосани тақдим этиш шарти билан аризани қабул қилади.

6.4. Ижрочининг сертификатлаштириш органи буюртмачининг талабига мувофиқ қуйидаги маълумотларни тайёрлаши ва унга тақдим этиши лозим:

- мажбурий сертификатлаштириладиган маҳсулотларнинг рўйхати ёки унинг кўчирмаси;

- сертификатлаштириш органининг аккредитация соҳаси бўйича техник чигитни сертификатлаштириш қоидалари;

- техник чигитни сертификатлаштириш хизмати учун белгиланган нарх (тариф) прејскуранти;

- аккредитация гувоҳнома нусхаси.

6.5. Ариза ўрнатилган тартибда сертификатлаштириш органида кирим қилиниб, ижро учун йўналтирилади (2-илова).

Иш юритиш қоидаларига мувофиқ кирим қилинмаган аризалар билан ишлаш, сертификатлаштириш жараёнини амалга ошириш қатъий тақиқланади.

7. Буюртмачи томонидан тақдим қилинган ҳужжатларни таҳлил қилиш, сертификалаштириш схемасини танлаш, натижалар асосида қарор қабул қилиш жараёни қуйидаги тартибда амалга оширилади:

7.1. Буюртмага асосан ижрочининг сертификатлаштириш органи томонидан техник чигитни сертификатлаштириш бўйича комиссия тузилиб, таркиби Корхона раҳбарияти томонидан тасдиқланади.

Комиссия Корхона ва ҳудудий филиалларнинг техник чигитни сертификатлаштириш ва лабораторияларда синовдан ўтказишга масъул ходимларидан иборат таркибда шакллантирилади.

7.2. Комиссия томонидан 2 кун муддатда ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар таҳлил қилинади ҳамда Қоидаларнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда қарор қабул қилиниб, буюртмачига тақдим қилинади.

8. Қарор қабул қилинганидан сўнг Ижрочи ва буюртмачи ўртасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шартнома тузилади.

9. Ижрочининг сертификатлаштириш органи томонидан техник чигитни баҳолаш бўйича норматив ҳужжатлар кўрсатилган ҳолда синов дастури тайёрланади ва сертификатлаштириш органи раҳбари томонидан тасдиқланади (3-илова) ҳамда тегишли дафтарга қайд этилади (4-илова).

10. Намуна танлаш ва идентификациялаш қуйидагиларни ўз ичига олади:

10.1. Намунани танлаш ва идентификациялаш ариза берилган кундан икки кундан кечиктирмасдан ижрочининг сертификатлаштириш органи томонидан ишлаб чиқарувчи (етказиб берувчи) вакили иштирокида амалга оширилади.

10.2. Техник чигитни сертификатлаштириш учун олинган намуналар идентификациялаштирилади ва 5-иловасига мувофиқ шаклда “Намуна танлаш ва идентификациялаш далолатнома”си икки нусхада расмийлаштирилади. Далолатноманинг бир нусхаси ижрочида, иккинчи нусхаси буюртмачига тақдим этилади.

11. Намуналарни синовдан ўтказиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

11.1. Техник чигитни сертификатлаштириш учун олинган намуналар бўйича синов ижрочининг Марказий чигит синов лабораториясида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги МХ талабларига мувофиқ ўтказилади.

11.2. Синов натижаларига кўра синов баённомаси (6-илова) расмийлаштирилади ва уни ўтказган ижрочи ходим томонидан имзоланади, ижрочининг марказий чигит лабораторияси мудир томонидан тасдиқланади ва муҳр қўйилади.

11.3. Намуналар бўйича синов натижаларининг ҳаққонийлиги ва сифати, шунингдек баённомаларни сақланиши учун синов ўтказган Марказий чигит синов лабораториси масъул ҳисобланади.

11.4. Синаш даврида бутунлай ёки қисман бузилган, шунингдек синаш даврида бузилмаган маҳсулот бўйича ҳисобдан чиқарилганлиги (қайтариб берилганлиги) тўғрисидаги далолатнома аризачи (ёки унинг вакили) иштирокида 7-иловага мувофиқ тузилади.

12. Ишлаб чиқаришни ўрганиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

12.1. Техник чигит ишлаб чиқарилиши ҳолати ижрочининг сертификатлаштириш органи томонидан ишлаб чиқарувчи (етказиб берувчи)нинг тегишли мутахассислар иштирокида ўрганилади.

12.2. Намуна танлаб олинган кундан бошлаб ишлаб чиқаришни ўрганиш муддати 10 кундан ошмаслиги керак.

12.3. Ўрганишда қуйидагилар аниқланади:

а) техник чигитга оид норматив ҳужжатларнинг мавжудлиги;

б) ишлаб чиқарувчида пахта хом ашёси ва ишлаб чиқарилган техник чигитнинг сифатини назорат қилувчи лабораториянинг мавжудлиги;

в) технологик жараёнда техник чигитни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ускуналарнинг ва ўлчов асбобларининг мавжудлиги ҳамда уларнинг ҳолати ва давлат қиёсловидан ўтганлиги;

г) техник чигитни ишлаб чиқаришда технологик жараёнларнинг технологик регламент асосида ишлашини таъминланганлиги;

д) ишлаб чиқарувчи ва техник назорат қилувчи малакали мутахассисларнинг мавжудлиги;

е) пахта хом ашёси ва техник чигитни сақлаш ҳамда транспортда ташиш шароитларининг мавжудлиги.

12.4. Ўрганиш натижаларига кўра ижрочининг сертификатлаштириш органи томонидан “Ишлаб чиқаришни ўрганиш далолатномаси” расмийлаштирилади ва барча иштирокчилар томонидан имзоланади.

Мазкур далолатнома маълумотлари мувофиқлик сертификатида кўрсатиб ўтилади.

13. Синов натижаларни таҳлил қилиш, мувофиқлик сертификатини бериш ёки рад этиш бўйича қарор қабул қилиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

13.1. Техник чигит намуналари бўйича ўтказилган синов натижалари, 3-схема бўйича сертификатлаштиришда эса қўшимча равишда ишлаб чиқаришни ўрганиш натижаларига кўра ижрочининг мустақил баҳолаш гуруҳи мутахассислари мувофиқлик сертификатини бериш ёки бермаслик ҳақида қарор қабул қилади (8-илова).

13.2. Буюртмачи ижрочининг сертификатлаштириш органи талаб қилган ҳужжатларни тўлиқ тақдим этган тақдирда ҳамда синов ва ишлаб чиқаришни ўрганиш натижалари бўйича кўрсаткичлар техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига жавоб берганида мувофиқлик сертификати расмийлаштирилади.

13.3. Мувофиқлик сертификати Қоидаларда белгиланган тартибда ўзбек ёки рус тилларида тўлдирилади

Мувофиқлик сертификати ҳар бир ишлаб чиқарувчи (етказиб берувчи) учун алоҳида расмийлаштирилади.

13.4. Мувофиқлик сертификати қатъий ҳисобда турадиган, ҳисобга олиш рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга ҳужжат ҳисобланади.

Мувофиқлик сертификати O'z DSt 2910 «Мувофиқликни баҳолаш. Давлат реестрни юритиш қоидалари»да белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Сертификатлаштириш миллий тизимининг давлат реестрида рўйхатга олинади.

Мувофиқлик сертификатлари рўйхатга олиш рақамлари мавжуд бўлгандагина ҳақиқий ҳисобланади.

13.5. Мувофиқлик сертификати 3-схема қўлланилганда 3 йил муддатга, 7-схема қўлланилганда 1 йил муддатга берилади.

13.6. Буюртмачи ижрочининг сертификатлаш органи талаб қилган ҳужжатларни тўлиқ тақдим этмаган ҳолатда ҳамда синов ва ишлаб чиқариш ҳолати натижалари техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига номувофиқ бўлганида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мувофиқлик сертификатини бериш рад этилади ва бу ҳақида буюртмачига ёзма равишда маълум қилинади.

III боб. Сертификатлаштириш органининг назорат фаолияти

14. 3-схема қўлланилганда ижрочининг сертификатлаштириш органи техник чигитнинг сертификатлаштириш жараёнида аниқланган талабларга мувофиқлигини ўрганиш учун бир йилда камида бир марта назорат ўтказди ва бу ҳақида ишлаб чиқарувчини олдиндан хабардор қилади.

15. Назоратни ўтказиш натижаларига кўра мувофиқлик сертификатини қўллаш муддатини узайтириш, амал қилишини тўхтатиш ёки бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилинади.

16. Мувофиқлик сертификатининг амал қилишини тўхтатиш ёки бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилинганида бу ҳақида ишлаб чиқарувчи (етказиб берувчи) ва Ўзбекистон Республикаси Миллий сертификатлаштириш тизимида хабар берилади.

IV боб. Низоларни кўриб чиқиш

17. Сертификатлаштириш натижаларидан норози бўлган буюртмачи ва харидор Корхонага ўрнатилган тартибда апелляция билан мурожаат қилиши ёхуд судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

V боб. Яқунловчи қоидалар

18. Сертификатлаштириш хизматларига ҳақ тўлаш унинг натижаларидан қатъий назар белгиланган нархлар (тариф) прејскурантига мувофиқ ижрочи билан буюртмачи ўртасида тузилган шартнома асосида, ижрочи томонидан тақдим этилган бажарилган ишларнинг далолатномалари ва ҳисоб варақ-фактура бўйича буюртмачи томонидан амалга оширилади.

19. Ижрочининг сертификатлаштириш органи берилган, амал қилиши тўхтатилган ёки бекор қилинган ҳамда бериш рад этилган мувофиқлик сертификатлари ҳисобини юритади ва ҳар ой бу ҳақидаги маълумотларни тегишли идораларга тақдим этиб боради.

20. Сертификатлаштириш жараёнидаги ушбу Тартибда назарда тутилмаган муносабатлар амалдаги норматив ҳужжатлар, шунингдек Қоидаларда белгиланган нормалар билан тартибга солинади.

1-Илова

**“Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари
сифатини баҳолаш маркази” давлат
муассасаси Тошкент шаҳри,
Шайхонтохур тумани, Обиназир
кўчаси, 109 уй**

**Ўзбекистон Республикаси сертификатлаштириш миллий тизимида
маҳсулотни сертификатлаштириш учун**

АРИЗА № _____

(буюрмачининг номи (ишлаб чиқарувчи корхона, етказиб берувчи ёки тадбиркорнинг Ф.И.Ш.))

(буюртмачининг манзили)

номидан _____ маълум килади _____
(рахбарнинг Ф.И.Ш.) (маҳсулотнинг номи, тури)

ТИФМН коди, серияли ишлаб чиқариш ёки тўда учун

ишлаб чиқарилади _____
(ишлаб чиқариш ҳужжатларининг номи)

Талабларига жавоб беради _____
(Меъёрий ҳужжатларнинг номи ва рақами)

бўйича кўрсатилган ҳужжатлар талабларига мувофиқ ушбу маҳсулотни
сертификатлаштиришни
сўрайди _____

(сертификатлаш схемаси номери)

Қўшимча маълумотлар _____
(Гигиеник хулоса ва бошқа ҳужжатлар кўрсатилади)

Аризачи: _____
(имзо, муҳр) (Ф.И.Ш.)

Сана:

“Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини
баҳолаш маркази” давлат муассасасининг
пахта маҳсулотларини сертификатлаш-
тириш идораси

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Пахта маҳсулотларини
сертификатлаштириш
идораси бошлиғи

« ____ » _____ 20 ____ й.

Сертификатлаштиришни ўтказиш учун берилган ариза бўйича
20 ____ йил “ ____ ” _____ № ____ -сонли

ҚАРОР

(ишлаб чиқарувчи корхона номи)

(маҳсулот номи, ТИ ФМН коди)

Сертификатлаштириш учун берилган аризани кўриб чиқиб қуйидагиларни маълум қиламиз:

1. Сертификатлаштириш ишлари _____ -схемаси бўйича ўтказилади
(сертификатлаш схемаси рақами)

2. Сертификатлаштириш учун синовлар _____

_____ да амалга оширилади
(аккредитланган синов лабораторияси номи, манзили)

3. Сертификатлаштириш _____ талабларга мувофиқ амалга оширилади
(қайси норматив ҳужжатлар талабига мувофиқ ўтказилади)

4. Ишлаб чиқаришни текшириш _____
(корхона номи)

_____ (манзили)

_____ (текшириш тури)

5. Тўлов тури: _____
(шартнома, тариф ва бошқа тўловлар)

6. Сертификатлаштириш учун талаб этилади: _____
(қайси ҳужжатлар бўйича (Гигиеник хулоса ва бошқа ҳужжатлар кўрсатилади))

**«Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини баҳолаш маркази» давлат
муассасаси**

Пахта маҳсулотларини сертификатлаштириш идораси

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Пахта маҳсулотларини
Сертификатлаштириш
идораси бошлиғи**

(ИМЗО) (Ф.И.Ш.)
« ____ » _____ 20 ____ йил.

**Техник чигит сифатини лабораторияда аниқлаш бўйича
СИНОВ ДАСТУРИ**

Синов лабораторияси номи _____

Синов лабораторияси манзили _____

Лаборатория таҳлилларидан ўтказилаётган маҳсулот тури: _____

Техник чигитнинг меъёрий хужжати _____

Қуйидаги сифат кўрсаткичлари бўйича лаборатория синовлари ўтказилсин:

№	Сифатини белгиловчи кўрсаткичлари	Синов усуллари меъёрий хужжатлари
1		
2		
3		
4		
5		

Сертификатлаш идораси ходими: _____
(ИМЗО) (Ф.И.Ш.)

Техник пахта чигитини сертификатлаштириш учун ариза ва уни асосида чиқарилган қарорларни қайд қилиш китобининг реквизитлари

1. Тартиб рақами
2. Сана
3. Аризани идентификатлаш рақами
4. Корхона номи ва коди
4. Маҳсулот номи
5. Сертификатлаштириш схемаси
6. Ариза бўйича қабул қилинган қарор рақами ва санаси
7. Синов дастури рақами ва санаси
8. Мувофиқлик сертификати бериш қарори рақами ва санаси;
9. Мувофиқлик сертификати рақами, реестри ва санаси
10. Мувофиқлик сертификати берган ходим Ф.И.Ш ва имзоси

**“ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ СИФАТИНИ БАҲОЛАШ МАРКАЗИ”
ДАВЛАТ МУАССАСАСИ**

Намуна олиш ва идентификатлаш далолатномаси № _____

« _____ » _____ 20__ й.

Техник пахта чигити учун

Намуна олиш жойи: _____

Ишлаб чиқарувчи номи: _____

Қуйидаги меъёрий хужжат асосида намуна олинди: _____

(меъёрий хужжат номланиши)

Қўшимча маълумотлар _____

(селекцион нави ва бошқалар)

Текширилаётган маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Тўда рақами	Тўда миқдори	Ишлаб чиқариш санаси	Олинган намуналар миқдори	
					Ташқи кўриниш учун	Синов учун

Намуна олинган тўдани, синов натижалари олингунга қадар, юклашга рухсат этилмайди.

ДМ «Марказ» вакили

_____ (Ф. И. О)

Корхона вакили

_____ (Ф. И. О)

(орқа томони)

МАҲСУЛОТНИ ИДЕНТИФИКАТЛАШ

Техник пахта чигити

Ишлаб чиқарувчи корхона номи _____

Қадоқланиши ва тамғаланиши юзасидан маълумот _____

Мўлжалланганлиги _____

Асосий таснифлари _____

Сақлаш шароити _____

Ишлаб чиқарилган сана _____

Қўшимча маълумотлар (мавжуд бўлса) _____

ДМ «Марказ» вакили

_____ (Ф. И. О)

Корхона вакили

_____ (Ф. И. О)

**“ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ СИФАТИНИ БАҲОЛАШ МАРКАЗИ”
ДАВЛАТ МУАССАСАСИ**

ТАСДИҚЛАЙМАН:

**Техник чигити ва уни қайта ишлашдан
олинган маҳсулотларни синовдан ўтказиш
марказий лабораторияси бошлиғи**

ИМЗО

М.Ў

Ф.И.Ш.

(синов лабораториясининг манзили)

20 ____ й. « ____ » _____

_____ - сонли СИНОВ БАЁННОМАСИ

Аккредитация гувоҳномаси: _____

Намуна танлаш далолатномаси: _____

« ____ » _____ 20 ____ йил

МЛ намуна келтирилган сана: _____

« ____ » _____ 20 ____ йил

Ишлаб чиқарувчининг номи: _____

Маҳсулот номи: _____

Синов ўтказишдан мақсад: _____

Намуна қайд этилган рақам: _____

Тўда рақами: _____

Ишлаб чиқарилган сана: _____

« ____ » _____ 20 ____ йил

Намуна миқдори: _____

Тўда миқдори: _____

Синалаётган маҳсулотнинг меъёрий хужжати: _____

Синовлар субподряд асосида ўтказилди _____

Синов ўтказилган шароит _____ хона ҳарорати $^{\circ}\text{C}$, нисбий намлик _____ %**СИНОВ НАТИЖАЛАРИ:**

Кўрсаткичлар номи (талаблар)	Синаш усуллари	Норматив хужжат бўйича меъёрий кўрсаткичлар	Ҳақиқий кўрсаткичлар	Синов натижаси (мувофик/ мувофик эмаслиги)
1	2	3	4	5

Синов ўтказилган сана: _____

Қўшимча маълумотлар: _____

Бажарувчи: _____

(ИМЗО)

(Ф. И. О)

**Техник пахта чигити намуналарини
қайтариб бериш бўйича ДАЛОЛАТНОМА**

« ____ » _____ 20 ____ йилдаги

(Ишлаб чиқарувчи корхона номи)

(ариза санаси ва рақами)

Ушбу далолатнома тузилди шу ҳақидаки, 20 ____ йил ____ ____ даги ____ - рақамли
намуна олиш ва идентификатлаш далолатномаси асосида ____ тўдадан олинган техник
чигит намуналари ____ кг миқдорида

- ☐ синовлар давомида бутунлай бузилган ва яроқсиз бўлган;
☐ қисман бузилган ёки синов пайтида бузилмаган намуналар аризачига қайтариб
берилган.

Пахта тозалаш корхонаси вакили

имзо

ФИШ

Сертификатлаштириш идорасидан

имзо

ФИШ

Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси қошидаги “Қишлоқ
хўжалиги маҳсулотлари сифатини баҳолаш маркази” давлат муассасаси

ҚАРОР № ____

Техник чигитга мувофиқлик сертификати бериш тўғрисида

« ____ » ____ 20 ____ йил

(туман (шаҳар))

(мутахассис Ф.И.Ш.)

Сертификатлаштириш учун берилган аризага мувофиқ тўпланган ҳужжатлар,

1. Намуна танлаб олиш далолатномаси 20 ____ йил “ ____ ” ____ ;

2. Синов баённомаси № ____ 20 ____ йил “ ____ ” ____ ;

3. _____

(ишлаб чиқарувчи (етказиб берувчи) корхона номи)

ишлаб чиқариш шароитларини текшириш далолатномаси 20 ____ й “ ____ ” ____ ;

4. Санитар-эпидемиологик хулосаси № ____ 20 ____ й “ ____ ” ____

асосида _____

(маҳсулот номи)

(меъёрий ҳужжат номи)

Қарор қилдим:

техник пахта чигитига 3- схема асосида

(ишлаб чиқарувчининг номи)

серияли ишлаб чиқариш учун 3 йил муддатга мувофиқлик сертификати берилсин.

Мустақил баҳолаш гуруҳи
мутахассиси _____